



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар қўламини кенгайтириш ҳамда фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш мақсадида:

1. 2022 йил 1 июндан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 12 фоизга оширилсин.
2. 2022 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 920 000 сўм; базавий ҳисоблаш миқдори — ойига 300 000 сўм этиб белгилансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

Иш бевуричларга иш ҳақи миқдорини қонунийлик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

4. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникация-

лар агентлиги ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 августдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ–6279-сон Фармони-нинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунийлик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 20 май

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЎЙЛАРИ



Орадан 10-15, балки 50-60 йил ўтар, ўшанда ортга назар солиб, Ватанимиз тараққиёти, фарзандларимиз фаровон ҳаёти учун нима қилдик, деган савол ҳар биримизни ўйлантириши табиий. Бугун Президентимиз барчамизни Учинчи Ренессанс сари руҳлантирмоқда. Бу йўлда олдимизга катта мақсадларни қўйганмиз. Лекин яна савол туғилади: Учинчи Ренессанс учун қанчалик ҳисса қўшяпмиз? Ҳеч курса виждонимиз олдида шу саволларга жавоб беришга бурчлигимиз.

Бу каби уйғоқ саволлар юрт келажакига бепарқ бўлмаган барча илм аҳлини қийнаётганига имонимиз қомил. Зотан, давлатимиз раҳбари ҳар бир ишга, ҳар бир соҳага илм-фан мезонлари асосида ёндашиш лозимлиги, маърифатли жамият барпо этиш гоёси давр талаби экани, илм бобида жидду ҳажд ва

муттасил изланишлар билангина мутараққий давлатлар қаторидан жой олиш мумкинлиги, тараққиётнинг бошқа муқобил йўли йўқлигини уқтириб келмоқда. Алҳол, бу кундек равшан ҳақиқат эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаётди.

Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкам қарор топтиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ижтимоий ва диний бағрикенгликдир. Юртимизда турли конфессиялар вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшаётгани, жонажон Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАЪРИФАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК — ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

Шарқ цивилизациясининг кўҳна бешикларидан бири — Она-Ватанимиз Ўзбекистонда кўплаб мутафаккирлар, алломалар, муҳаддису муридлар, фақиҳлар ва мутасаввуфлар қамол топган. Ота-боболаримиз Бухородаги Мирзо Улуғбек мадрасаси пештоқига “Илм эгаллаш ҳар бир мусулм ва мусулма учун фарздир” ёки Навоий вилоятида жойлашган Шохимардон меъморий мажмуаси деворига “Бешикдан қабргача илм изла”, деган ҳадисларни битган даврлардаёқ юртимизда илм-фан ва маърифат равнақ топган.



Буюк файласуф Абу Наср Форобий “Агар инсон эзгуликка интилиб яшаса, унинг умри қувончли ва гўзал кечади, гўзал ҳаёт эса халқ назарида ҳам, Аллоҳ таоло наздида ҳам юксакдир”, дея таълим берган бўлса, калом илмининг етук намоёнаси Абу Муин Насафий “Илм инсонни ҳеч вақт гуноҳга ундамайди”, деган гоёни тарғиб қилган.

Маънавият ва маърифат, дину диёнат ва илму урфон ўчоғи бўлган диёримизда истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимиз қайта тикланди, халқимиз ўзлигини таниди. Ислон динининг инсонларни эзгулик, маърифат ва покликка йўловчи асл моҳиятини тадқиқ ва тарғиб қилиш, улуғ аждодларимизнинг бой ва бе-назир маънавий меросини ўрганиш, ёш авлодга ўргатиш учун кенг йўл очилди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМАШЁ БАЗАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ҚАЙТА ИШЛАШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ ҚўШИМЧА ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2026 йилгача 36 000 гектар майдонда янги доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этилади;

яратилаётган ҳар 10 гектар ер майдонидаги доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларига сув чиқариш учун бурғиланган қудуқ қазил, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш мақсадида насос станциясини қуришга сув тежовчи технологияларни қўллаш шарти билан ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, аммо 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг тегишли далолатномасига асосан республика бюджетидан тегишинча Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривож-

лантириш жамғармаси орқали субсидия ажратилади;

доривор ўсимликларни маданий плантация ташкил қилиш орқали етиштириш учун белгиланган тартибда ажратилган ер участкаларига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди; экспортбоп доривор ўсимликлар етиштиришни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги “Маҳаллаларда тадбиркорлиқни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5214-сон қарори 4-бандида назарда тутилган имтиёз ва молиялаштириш тартиблари

доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ҳам татбиқ этилади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 июндан бошлаб қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 100 миллиард сўм маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали қуйидагиларга:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга — доривор ўсимликларни етиштириш учун йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатда кредитлар ажратилади;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ МАДАНИЙ ҲОЛДА ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАМДА ДАВОЛАШДА УЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ҳамда қайта ишлашни ташкил этиш, доривор ўсимликларнинг маданий плантацияларини барпо этишни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда доривор ўсимликларни кенг қўллаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш учун ер майдонларини ажратишнинг йўл мақсадида кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларида доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1.1-иловага мувофиқ;

2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўрмон фонди ерларида доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1.2-иловага мувофиқ;

2022-2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларида доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1.3-иловага мувофиқ;

“Бир туман — бир маҳсулот” тамойили асосида доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштирилган туманлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлашни кенгайтириш ҳамда аҳоли ўртасида ундан фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича “йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Фаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари доривор ўсимликлар маданий плантацияларини барпо этиш учун мос бўлган ер участкаларини очик электрон танловга ойма-ой график асосида қўйиб боришни таъминласин.

Давоми 2-бетда

ШУКУҲ

МИЛЛИЙ МЕРОС ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ

Бугун Бухорода Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали ўз ишини бошлайди



International
Gold embroidery and
Jewelry Festival
Bukhara 2022

Кўҳна ва навқирон Бухоро халқаро фестиваллар ва нуфузли тадбирларни юқори савияда ўтказиш бобида катта тажрибага эга. Қолаверса, бу қадим гўша азалдан ҳунармандлик, амалий санъат ва маданият марказларидан бири сифатида бутун дунёга маълуму машҳур. Айни шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида шу йилнинг 21-25 май кунлари Бухорода илк бор Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали ўтказилмоқда.

Давоми 6-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМАШЁ БАЗАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ҚАЙТА ИШЛАШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

доривор ўсимликларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга — етиштирилган маҳсулотни харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдирish учун йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 12 ойлик “револьвер” кредитлар ажратилади. Бунда ушбу кредит ҳисобидан кластер ва кооперацияларнинг тижорат банкларидан олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмайди.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (ЖА.Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлашни (доривор ўсимликларни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш-ни) молиялаштириш учун Жаҳон банкнинг “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўлими”, “Фаргона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳалари ва Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида 20 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни тижорат банкларига ажратиш чораларини кўрсин. Бунда:

ушбу маблағлар миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкада тижорат банкларига ресурс сифатида жойлаштирилади;

тижорат банклари 5 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга йиллик 17 фоиз

ставкада (шундан 3 фоизи банк маржаси) тижорат кредити ажратлади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ж.А. Ходжаев, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж.Бакиров, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори С.Х.Кариев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимлари билан биргаликда икки ой муддатда ҳар бир ҳудудда камида биттадан доривор ўсимликлар кластерини ташкил этиш бўйича лойиҳа тақлифларини ишлаб чиқсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2022-2023 йилларда доривор ўсимликларни қайта ишлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини тасдиқласин.

4. Белгилансинки:

2025 йил 1 январга қадар доривор ўсимликларни етиштиришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этадиган тадбиркорлик субъектларидан олинadиган ер солиғи, фойда солиғи ва мол-мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камайтирилади. Бунда мазкур хатбошига асосан солиқлардан озод қилинадиган маблағлар доривор ўсимликлар плантацияларини кенгайтиришга йўналтирилиши шарт;

доривор ўсимликлар хомашёсидан биологик фаол қўшимчалар, эссенциялар ва экстрактлар ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган

технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, сэндович-панеллар ва вентиляция тизимлари ҳамда биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хомашё ва материаллар, қадоклаш материаллари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича 2025 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинади;

доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган технология ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, сэндович-панеллар ва вентиляция тизимлари, асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар, кимёвий препаратлар ҳамда ҳимоя воситаларини олиб киришда қўшимча қиймат солиғини 180 кунга кечиктириб тўлаш имконияти берилади;

доривор ўсимликлар хомашёси ҳамда ундан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар, эссенциялар ва экстрактларни экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларининг экспорт учун сарфланган автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача қисми Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб дорихона сотув зали пештахталарининг камида 10 фоизига доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар ва дори восита-

ларини жойлаштиришни дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишнинг лицензия талаблари ва шартларига киритиш чораларини кўрсин.

6. Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов) ва Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) доривор ўсимликларни қайта ишлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфла-ниши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарида доривор ўсимликларни табиий муҳитдан териb олишга квота ажратиш ва унинг шартларига қатъий риоя қилиниши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Қўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хаитов) билан биргаликда

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри, 2022 йил 20 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ МАДАНИЙ ҲОЛДА ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАМДА ДАВОЛАШДА УЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров) доривор ўсимликлар маданий плантацияларини барпо этиш учун мос бўлган, ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ер участкаларини электрон онлайн-аукционга 2022 йил 1 августдан бошлаб ойма-ой график асосида қўйиб боришни таъминласин.

Жиззах вилояти ҳокимлиги (З.А.Салиев) 2022-2026 йилларда заъфарон ўсимлиги маданий плантацияларини барпо этиш учун мос бўлган 2 000 гектар ер участкасини қонунчиликда белгиланган тартибда берилишини таъминласин ҳамда 2022 йилда заъфарон плантацияларини камида 2 бараварга кўпайтириш чораларини кўрсин.

2. Инновацияни ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов) икки ой муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда сертифицикатланган доривор ўсимликларнинг уруғчилиги ва кўчатчилигини йўлга қўйиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацияни илмий-техник лойиҳалар бўйича грант танловларини эълон қилишни таъминласин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: давлат тиббиёт муассасаларида, жумладан, ҳар бир поликлиникада доривор ўсимликлар воситасида даволашга мўлжалланган халқ таботати хоналари ва фитобарлар ташкил қилинади;

Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси қoшида Республика халқ таботати илмий-амалий марказининг 40 ўринли даволаш бўлими ва ҳудудларда филиаллари фаолияти йўлга қўйилди;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб халқ таботатини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Ибн Сино илмининг билимдонлари” танловини ўтказилади.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев):

2022 йил 1 июндан бошлаб самараси исботланган доривор ўсимликларни босқичма-босқич тиббий ёрдам кўрсатиш стандартлари ва протоколларига киритиш. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги яратилган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган дори воситаларининг тиббиёт амалиётида кенг қўлланилишини таъминлаш мақсадида клиник протоколлар, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартлари ҳар олти ойда қайта кўриб чиқилади;

уч ой муддатда барча давлат тиббиёт таълим муассасаларида доривор ўсимликлар ва халқ таботати бўйича таълим беришга йўналтирилган кафедраларни ташкил этиш бўйича тақлиф киритиш;

шифокорларни доривор ўсимликлар ва халқ таботати усуллари асосида даволаш бўйича қайта тайёрлаш ва ихтисослаштиришни ҳамда терапевт, умумий амалиёт ва оилавий шифокорларни тайёрлашда чуқурлаштирилган ўқитишни ташкил этиш;

давлат тиббиёт муассасаларида, жумладан, ҳар бир поликлиникада доривор ўсимликлар

воситасида даволашга мўлжалланган халқ таботати хоналари ва фитобарларни ташкил қилиш;

Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси қoшида Республика халқ таботати илмий-амалий марказининг 40 ўринли даволаш бўлими ва ҳудудларда филиаллари фаолиятини йўлга қўйиш;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб халқ таботатини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Ибн Сино илмининг билимдонлари” танловини ўтказиш;

тиббиёт амалиётида самараси исботланган ва асосий дори воситалари рўйхатига киритилган доривор ўсимликлар ва улардан тайёрланган дори воситаларининг давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан харид қилиниши чораларини кўрсин.

5. Савдо-саноат палатаси (Д.А.Вахабов) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Х.Кариев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш.Қудратов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, доривор ўсимликларнинг афзалликларини аҳоли ва шифокорлар орасида кенг тарғиб қилиш, доривор ўсимликларни етиштириш ва чуқур қайта ишлашда илмфан ва ишлаб чиқариш корхоналарининг кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва мустақамлаш учун ҳар йили “Ибн Сино мероси” халқаро курғазмасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибиятига доривор ўсимликларни етиштиришни кенгайтириш, доривор ўсимликлар етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш вазифалари юклатилсин.

Бунда мазкур котибиятга Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги 1 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобидан 1 та штат бирлиги ажратилади.

7. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

доривор ўсимликлар бозори конъюнктура-сини ўрганишни ташкиллаштириш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг доривор ўсимликлар маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш;

доривор ўсимликлар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тиббий аҳамияти ҳамда уларни қўллашга оид махсус курсатувлар ва роликлар мунтазам намоиш этилишини ташкил қилиш;

доривор ўсимликларга оид илмий ишланмаларни тижоратлаштиришда қўмаклашиш, доривор ўсимликшунослик тармоғига илгор хорижий

амалиёт ва халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

доривор ўсимликлар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар талабини таҳлил қилган ҳолда ҳар йили Қишлоқ хўжалиги вазирлигига доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмлари тўғрисида тақлиф киритиш.

Мазкур бандга мувофиқ Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига юклатилаётган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги мавжуд штат бирликлари доирасида Агентликда директор ўринбосари лавозими жорий этилсин ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлашни ташкил этиш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича қўшимча 5 та штат бирлигидан иборат бoшқарма ташкил этилсин.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Х.Кариев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Вoитов) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда доривор ўсимликлар соҳасини ривожлантириш бўйича тажрибали хорижий мутахассис ва консултантларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда биологик фаол қўшимчаларнинг реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилган ҳолда реклама қилинишини ташкил этиш чораларини кўрсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда биологик фаол қўшимчалар, биологик фаол қўшимча сифатида рўйхатга олинмаган дaмлама, ўтлар, парфюмерия-косметика воситалари рекламасига оид қонунчилик талаблари бузилганда жавобгарлик чораларини кучайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда доривор ўсимликлар сифатини таҳлил ва назорат қилиш бўйича халқаро стандартларга жавоб берувчи замонавий лаборатория барпо этиш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан грант маблағлари жалб этиш чораларини кўрсин.

10. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Фанлар академияси билан биргаликда уч ой муддатда илмий тиббиётда ва фармацевтика sanoатида фойдаланиладиган доривор ўсимликлар ҳамда доривор ўсимликлар етиштириладиган ҳудудлар рўйхатини ўз ичига олувчи электрон маълумотлар базасини яратсин.

11. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев Фармацевтика тармоғини ривожлантириш

агентлиги директори С.Х.Кариев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда:

мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ ер майдонларида доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш;

2022 йил якунига қадар мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ туманларни доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштириш;

доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича давлат-хусусий шериклик ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини ташкил этиш чораларини кўрсин;

б) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ипакчилик ва жун sanoатини ривожлантириш қўмитасининг буюртмаларига асосан ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлиги хомашёсини ййғиш ва тайёрлашга квоталарни ажратиш чораларини кўрсин;

в) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев): бир ой муддатда янги яратилган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган дори воситалари тиббиёт амалиётида кенг қўлланилишини таъминлаш мақсадида клиник протоколлар, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартларига киритиш мақсадида уларни ҳар олти ойда қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этсин;

доривор ўсимликлардан олинadиган фитопрепаратлар истеъмол бозорини яратиш, хусусан, уларнинг дорихоналар тизимида сотувини йўлга қўйиш, фитопрепаратлар яратиш технологиясида халқ таботати усулларини кенг қўллаш, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида доривор ўсимликлардан олинadиган фитопрепаратларни қўллаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин;

бир ой муддатда доривор ўсимликларни аҳоли ва шифокорлар орасида кенг тарғибот қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаб, ижрога қаратсин;

икки ой муддатда барча тиббиёт олийгоҳлари, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежларида, ҳудудий Халқ таботатини ривожлантириш марказларида соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини жорий қилиш бўйича тақлиф киритсин;

уч ой муддатда доривор ўсимликларга оид илмий ишланмаларни тадбиркорлик субъектлари 50 фоизини молиялаштирган тақдирда, қолган қисmini Давлат бюджетидан илмий

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри, 2022 йил 20 май

оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга оид материаллар, турқум телекўрсатувлар намоиш этилишини ташкил этсин.

9. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ипакчилик ва жун sanoатини ривожлантириш қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ж.А.Ходжаев, соғлиқни сақлаш вазирлиги Б.А.Мусаев, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж.Бакиров, Ипакчилик ва жун sanoатини ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Қ.Шарипов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А.Хаитов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Ш. МИРЗИЁЕВ



МИЛЛИЙ МЕРОС ВА КАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ

Бугун Бухорода Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали ўз ишини бошлайди

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг 2021 йил 29 апрелдаги “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига биноан ташкил этилаётган тадбирдан серқирра миллий хунармандлигимизни кенг миқёсда намойиш қилиш, хусусан, зардўзлик, заргарлик, каштачилик каби ажойиб санъат турларининг ноёб намуналарини оммалаштириш, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданий алоқаларни янада ривожлантириш, қолаверса, сайёҳлар оқими кўпайтириш каби олижаноб мақсадлар кўзланган.

Фалсафий уйғунлик

Ўтган аср ўрталаридан бошлаб Бухорода кўркам шаклий ечимдаги бир сирга тури оммалашган. Гап шундаки, маҳаллий заргарлар шабака номли услубдан фойдаланган ҳолда ҳам барг, ҳам юрак шаклидаги халқа ичиға симли думалоқ панжара ўрнаштишган ва унинг атрофига дурлар терилган. Заҳматли қўл меҳнати, юксак эстетик дид ва ўзбекона теран тафаккур самараси ўлароқ яратилган бундай ажабтовур зийнатли буюмлар эл орасида “шибирма” номи билан машҳур. Йиллар давомида ўзбек хонадонларида ота-оналар қизларини турмушга узатишга тайёргарлик жараёнида моҳир заргарларга айланиш шундай тилла зиракка буюртма беришлари анъана тусига кирди.

Мулоҳазаларимизни сал узокдан бошладик. Эътиборлиси, бугун кўҳна Бухоронинг энг қадимий обидаларидан бири — Арк қўргони олдиға борган киши ҳам шибирмани кўриши мумкин. Фақат бу гал ушбу нодир санъат намунаси қулқоққа тақиладиган кичкина бадий безак буюми ҳолида эмас, бағриға икки мингдан ортиқ томошабинни сиздира оладиган каттагина амфитеатр кўринишида намён бўлди.

Дунёда ҳали муқобили бўлмаган, жаҳон миқёсида ҳам дастлабкиси дея эътироф этилаётган маъмур фестивалнинг мазмун-моҳиятини очиб беришға гоят теранлик билан ёндашилганини тайёргарлик жараёнининг шу кичик, аммо муҳим унсуридан ҳам англаш мумкин. Бундай фалсафий ва креатив ёндашув иштирокчилар эътиборини тортмай қолмайди.

Биз нималарни кўраимиз?

Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари Арк олдида шибирма зираги шаклида қурилган саҳнада ўтказилиши



Орзулар рўёби

— Шундай кунлар келишини нақ йигирма саккиз йил кўтдим, — дейди моҳир зардўз, қатор халқаро кўргазмалар иштирокчиси, “Шухрат” медали соҳиби Бахшўлло Жумаев.



— Эсимда, 1994 йилда Покистонда ўтказилган халқаро хунармандлик фестивалида қатнашган чоғимда “Кошки бизнинг диёримизда, хусусан, Бухорода ҳам зардўзлик бўйича йирик фестивал ўтсайди”, деган тилак кўнглимға келганди. Шўрки, Президентимиз саъй-ҳаракати, миллий-маданий қадриятларимизни дунёға олиб чиқиш ва ривожлантиришға қаратилган оқилона сиесати шарофатидан шундай шарафли кунларға ҳам етдик. Бундан ўттиз йиллар аввал бир кун келиб, Бухоро замини манаман деган заргару каштадўзларни, моҳир зардўзларни ўз бағриға чорлайди, дейишса, бунға биров шийнамасди. Ана энди биз, хунармандларнинг узок йиллик орзуларимиз рўёбға чиқди.

Дарҳақиқат, уста хунарманднинг бундай самимий дил изҳорларида гап кўп. Афсонанинг ҳақиқатга айланиши она диёримиздаги тинчлик, осудалик, фаровонлик, элимиз —

Эсимда, 1994 йилда Покистонда ўтказилган халқаро хунармандлик фестивалида қатнашган чоғимда “Кошки бизнинг диёримизда, хусусан, Бухорода ҳам зардўзлик бўйича йирик фестивал ўтсайди”, деган тилак кўнглимға келганди. Шўрки, Президентимиз саъй-ҳаракати, миллий-маданий қадриятларимизни дунёға олиб чиқиш ва ривожлантиришға қаратилган оқилона сиесати шарофатидан шундай шарафли кунларға ҳам етдик. Бундан ўттиз йиллар аввал бир кун келиб, Бухоро замини манаман деган заргару каштадўзларни, моҳир зардўзларни ўз бағриға чорлайди, дейишса, бунға биров шийнамасди. Ана энди биз, хунармандларнинг узок йиллик орзуларимиз рўёбға чиқди.

Дарҳақиқат, уста хунарманднинг бундай самимий дил изҳорларида гап кўп. Афсонанинг ҳақиқатга айланиши она диёримиздаги тинчлик, осудалик, фаровонлик, элимиз —



нинг ўз ҳаётидан мамнунлиги, ота-боболар анъаналарига эҳтиром, янги Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўли билан боғлиқ.

Диққатта молик ана бир жиҳат шундаки, бу фестивал каштачилик йўналишини ҳам кенг равишда қамраб олади. Айни шу ўзига хос йўналишнинг ўттизга яқин вакили соҳаға бағишланган кўргазма ва анжуманларда, “Ҳар бир хонадонда кашта дурдонаси” шиори остида тарғибот ишларида фаол бўладилар.

— Хунармандлик анжумани каштадўзликнинг ҳам салмоқли тарғиботи ва оммалашуви учун замин ҳозирлаётгани бизни қувонтиради, — дейди моҳир каштадўз Аҳмад Арабов. — Маиллатимизда Шофиркон, Шаҳрисабз, Тошкент каштачилик мактаблари шухрат топган. Айниқса, шофирконлик қўлгилуғ чеварларнинг изланишлари билан қадимги каштачилик услубларида тайёрланаётган либослар, аёллар сумкалари, дастрўмоллар ва бошқа хил санъат намуналари боис, қадим Бухороға хос асрий каштачилик анъаналари қайта тикланди. Ўйлайманки, асосан, заргарлик ва зардўзлик санъатлариға уруғ берилаётган янги фестивал асносида миллий каштачилигимиз ривожи ҳам янги босқичға кўтарилади.

Тадбирларда юртимизнинг барча ҳудудларидан 288 хунарманд, жумладан, 110 заргар, 37 зардўз, 44 каштадўз, шунингдек, хунармандликнинг бошқа йўналишларида фаолият юритаётган яна 97 киши иштирок этади. Бундан ташқари, чет эллик 112 нафар хунарманд қатнашиши кўзда тутилган.

Шунингдек, тўққиз нафар фахрий меҳмон, хориқлик юқори мартабали тўрт нафар давлат арбоби иштирок этиши кутилмоқда.

Ҳам санъат, ҳам илм

Ҳар қандай хунар замирида йиллар давомида йиғилиб, тизим кўринишиға келган катта илм ётади. Фестивал фақат хунармандлик буюмларини намойиш этиш, бу бўйича савдо ва тарғиботни йўлга қўйиш мақсадлариниға кўзда тутмаган. Яна бир муҳим вазифа заргарлик, зардўзлик, каштачилик ва бошқа хунарларнинг назарий асосларини, хусусан, турли услубларнинг ўзига хос хусусиятларини, сир-асорини, тарихини, қандай жараёнлардан иборатлигини жаҳон аҳлиға айнан илмий жиҳатдан таништириш ҳамдир. Айни шу омилни назарда тутган ҳолда фестивал доирасида ўтказиладиган “Анъанавий

зардўзлик ва заргарлик, каштадўзлик санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуманда 22 та давлат ва юртимиз олимлари, шунингдек, 9 давлатдан 11 нафар мутахассис онлайн иштирок этиши режалаштирилган.

Тадбирларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 200 нафардан ортиқ вакили, хусусан, юртимизда домий фаолият юритаётган 14 нафар хорижий журналист кенг ёритиб боради.

Хориқлик меҳмонлар ва маҳаллий делегациялар вакиллари учун 150 та меҳмонхона шай ҳолда. Бухоро халқаро аэропортида ва темир йўл вокзалида ишчи гуруҳ фаолият кўрсатяпти. Бухоро вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бош мутахассиси Феруза Ҳамидованинг маълум қилишича, Арқдан бошлаб Бухоронинг бутун эски шаҳар қисми Wi-Fi тизимига уланди.

Халқаро ҳайъат қўрик-танлов иштирокчилари махсулотлари кўргазмаси ва маҳорат дарсларини “Энг яхши заргарлик ташкилоти”, “Энг яхши зардўзлик ташкилоти”, “Энг яхши зардўз”, “Энг яхши заргар”, “Энг яхши зардўзлик мактаби устаси” сингари 12 та номинация бўйича баҳолайди.

Ушбу номинациялар ғолиблари 3000 АҚШ долларидан 5000 АҚШ долларигача пул мукофотлари билан рағбатлантирилади.

Рустам ИБРАГИМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



“ИЛҲОМ” ЧОРЛОВИ:

ҚУЁШЛИК ИСТАСАНГ, КАСБИ КАМОЛ ЭТ

Бугун мамлакатимизда илм-фан, маънавият ва адабиётга берилаётган эътибор ва рағбатдан соҳа аҳли мамнун, қадди тик, орзулари юксак. Ёшларнинг ўқишға, изланишға қизиқиши тобора ортиб бораётганидан ҳам кўриш мумкинки, адабиётга, маънавият ривожига қаратилган ислохотлар, янгиланиш, имкониятлар яратиш борасидаги улў ишлар янги босқичға чиқмоқда.

Кеча Тошкент шаҳридаги Адиблар хибёнида “Катта адабиёт байрами” ҳафталиги доирасида “Илҳом” мукофоти ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 20 май куни Адиблар хибёнининг очилиш маросимида бир қатор вазифаларни белгилаб берган эди. Ана шу топшириқлардан бири — Адиблар хибёнида ҳайкаллари ўрнатилган ёзувчи-шоирларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тарғиботини жонлантириш мақсадида “Илҳом” мукофотини жорий қилиш эди.

Маъмур топшириқнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Илҳом” мукофотини таъсис этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мукофот шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг асарларини тарғиба қилиш, шу асосда тадқиқотлар ўтказиш, кино ва саҳна асарлари яратиш каби маънавий-маърифий, илмий-ижодий жараёнларда энг юқори натижаларға эришган олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ва фаолият юритаётган ёшларға берилиши белгиланди.

Иккинчи бор ўтказилаётган танловнинг саралаш босқичи олий таълим муассасалари доирасида ўтказилди. Ушбу саралаш босқичида мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларидан ўн мингдан ортиқ талаба-ёшлар, мураббийлар иштирок этди.

“Илҳом” мукофоти танловининг Республика босқичи учун 53 та олий таълим муассасасидан 115 та ижодий иш қабул қилинди. Шундан, 3 та асосий ва 3 та рағбатлантирувчи мукофот учун ғолиблар сараланди.

Танлов якунларига кўра, 1-ўрин соҳиби “Spark” автомобили, махсус диплом ва статуетка; 2-ўрин — 30 миллион сўм пул мукофоти, махсус диплом ва статуетка; 3-ўрин — 15 миллион сўм пул мукофоти, махсус диплом ва статуетка билан тақдирланди. Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофот соҳибларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Етук олимлар, ёзувчи-шоирлардан иборат Ҳакамлар ҳайъати номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқишда ҳолислик ва шаффофликни таъминлашға катта эътибор қаратди. Танловға юборилган ҳар бир ижодий иш батафсил ўрганиб чиқилди. Номзоднинг истеъдоди, ижтимоий фаоллиги мутахассислар томонидан юқори баҳолангани, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилгани инобатға олиниб, ғолиб ва совриндорлар танланди.

— Илм ва ижода чанқоқ, катта мақсадларни кўзлаган ёшлар ҳаётда тўғри йўл танлашда оғишмайди, — дейди “Илҳом” танлови ғолиби, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети 4-босқич курсанти Шухратжон Муҳаммадхонев. — Улар жамиятга, юртиға, оиласиға нафи теғадиган инсонлар бўлиб етишади. Бугун юртимизда бу зғу йўлни танлаган ҳаммаслақлар сафи тобора кўпайиб бораётгани барчамизни мамнун этади. Илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги ижодий изланишлар, амалға оширилаётган ишлар ҳали бундан-да авж олиб, янада юксак самаралар беришға ишонаман. Энг муҳими, кўнглида ойдин орзу-ниятлар сўнмаса бас. Эл-юрт равнақи учун ташланган бундай қадамлар она Ватанға садоқат ва муҳаббат сифатида намён бўлаверади.

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятта келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишиға “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1569.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳис: Малюхат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:30 Топширилди — 00:35

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz